# « 2394 » - сонли ижара шартномаси.

**2022 йил « 20 » январ** **Тошкент шахри**

«Chilonzor buyum savdo kompleksi» акциядорлик жамияти, куйида «Ижарага берувчи» деб аталувчи, амалдаги Низомига асосан иш юритувчи, жамият директори **Т.С.Азимов** шахсида бир томондан ва юридик шахс **АЖ «Poytaxt Bank» Амалиёт Бошкармаси** куйида «Ижарага олувчи» деб аталувчи, амалдаги Ишончномага асосан иш юритувчи, банк бошкарувчиси **Д.А.Акрамов** иккинчи томондан, куйидагилар тугрисида узаро ушбу шартномани туздилар:

## 1. Шартноманинг мазмуни

**1.1.** «Ижарага берувчи» «Ижарага олувчи»га «Chilonzor buyum savdo kompleksi» АЖ худудидан ахолига накд пул ва пластик карталар оркали фаолият курсатадиган банкоматни урнатиши учун **«Мавсумий 32» 3,0 кв.метр** ер майдонини ажратиб бериш, «Ижарага олувчи» ажратиб берилган ер майдонини кабул килиш ва ижара хакини уз вактида тулаш мажбуриятини оладилар.

1.2. Ушбу ижара шартномасининг 1.1.-бандида курсатилган ер майдони «Ижарага берувчи»нинг хусусий мулки хисобланади.

## 2. Ижара хаки

**2.1.** «Ижарага олувчи» ажратиб берилган ер майдони учун куйида келтирилган микдорда ижара хаки тулайди:

| № | Мавсумий 32 ракамли | Ул.бир. | Хажми | 1 кв.м.нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ахолига накд пул ва пластик карталари оркали банкоматдан хизмат курсатиш | кв.м | 3,0 | 43 000,00 | 129 000,00 |
| **Жами ККС билан хисоблангандa** | | | | | **129 000,00** |

**2.2.** «Ижарага олувчи» **2022 йил 01 январдан** бошлаб ижара туловларини тулаши шарт.

**2.3.** Тошкент шахар хокимияти томонидан нарх-наволар узгарганлиги тугрисидаги чикарилган карорларга асосан, шартномада курсатилган ижара хаки хам узгаради.

**2.4.** «Ижарага олувчи» ойлик ижара хакини келгуси ой учун олдиндан энг камида 15% фоизини, колган микдорини эса 10 санасигача тулик тулаши шарт.

## 3. Тарафларнинг мажбуриятлари.

**3.1. «Ижарага берувчи»:**

а) «Ижарага олувчи»га тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун жой бериш:

**3.2. «Ижарага олувчи»:**

а) ажратиб берилган жойдан шартнома шартларига мувофик ва кузланган максадларда фойдаланиш;

б) бир ойлик ижара хакини 2.4. бандда келишилган тартибда тулаш;

в) электр-энергияси, чикиндиларни олиб чикиш ва бошка хизматлар учун алохида шартнома асосида хак тулаш;

г) жойни ярокли холатда саклаш;

д) **жойга узгартириш киритмаслик ва кушимча курилмалар курмаслик;**

е) жойнинг санитария хамда ёнгинга карши курсатмаларига жавоб берадиган холда саклаш;

ж) зарурат тугилган холларда, «Ижарага берувчи» томонидан талаб этилган тегишли хужжатларни уз вактида такдим этиш мажбуриятларини олади.

**3.3.** «Ижарага олувчи» юридик манзилгохи узгарган такдирда ушбу хакда «Ижарага берувчини» 3 кун муддат ичида огохлантириши шарт.

**3.4.** «Ижарага олувчи» истемолчиларга кулай шарт-шароитлар яратиш максадида Ахолига накд пул ва пластик карталари окали банкоматдан хизмат курсатиш урнини иш куни мобайнида узлуксиз фаолият юритишини таминлаши шарт.

## 4. Мухим шартлар.

**4.1.** «Ижарага олувчи» «Ижарага берувчи»нинг рухсатисиз жойни бошка юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан кариндош-уругларга такдим этиши, суб.ижарага бериши катъиян ман этилади.

## 5. Форс-мажор холатлари.

**5.1.** Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларига жавобгар эмас. Ер

кимирлаши, сув тошкини, ёнгин, хукуматнинг такикловчи карорлари шулар жумласидандир.

**5.2.** Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этганлигини Узбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги деб хисобланади.
**5.3.** Форс-мажор холатлари вужудга келган такдирда, бир тараф иккинчи тарафни 3 кун ичида ёзма равишда хабардор килиши шарт.

**6.Тарафларнинг жавобгарлиги.**

**6.1.** Ушбу шартномада кузда тутилмаган холлар буйича томонларнинг жавобгарлиги амалдаги Узбекистон Республикаси конунларига асосан тартибга солинади.
**6.2.** «Ижарага олувчи» ижара хакини шартноманинг 2,4 бандидаги муддатдан кечиктириб тулаган такдирда «Ижарага берувчи»га хар бир утказиб юборилган кун учун ойлик ижара хакининг туланмаган кисмидан 0,4 % дан, умумий микдорнинг 50% дан ошмаган холда, пеня тулайди.

**7.Шартномани бекор килиш тартиби.**

**7.1.** Ушбу шартнома муддатидан олдин куйидаги холларда узгартирилиши, кушимчалар киритилиши ва бекор килиниши мумкин:
- Иктисодий суди томонидан;
- Томонларнинг узаро келишувига асосан.

**7.2** Томонлардан бири ушбу шартнома шартларига риоя этмаган холларда, иккинчи томон уни бир томонлама муддатидан аввал бекор килишга хаклидир.

**8. Бошка шартлар.**

**8.1.** Ушбу шартнома буйича юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар узаро келишув йули билан хал килинади, норози томон иктисодий судларига мурожаат килиш хукукига эга.
**8.2.** Ушбу шартномага келгусида киритилиши мумкин булган барча кушимча ва узгартиришлар томонларнинг узаро келишувига биноан ёзма тарзда расмийлаштирилиб, ваколатли шахслар томонидан имзоланади. Киритилган барча кушимча ва узгартиришлар шартноманинг ажралмас кисми булиб колади.
**8.3.** Ушбу шартнома 2022 йил 01 январдан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амалда булади.
**8.4.** Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган иккита нусхада тузилиб, тарафлардан хар бирига бир нусхадан берилади.

**9. Тарафларнинг юридик манзили:**

| **«Ижарага берувчи»** | **«Ижарага олувчи»** |
|---|---|
| **«Chilonzor buyum savdo kompleksi» АЖ** | **АЖ «Poytaxt Bank» Амалиёт Бошкармаси** |
| Тошкент шахар, Бунёдкор шох кучаси 156 «А»<br>хисоб раками 2020 8000 3001 1188 8001<br>АКИБ «Ипотекабанк»нинг Чилонзор филиали,<br>ИНН 200797009, МФО 00997, ОКОНХ 83200. | Тошкент шахар, Ислом Каримов куча, 55-уй<br>Хисоб раками 1990 9000 9000 0117 2001<br>АЖ «Poytaxt Bank» Амалиёт Бошкармаси<br>МФО: 01172, ИНН: 207 290 120<br>ОКЕД: 64 190 |
| Жамият директори<br>_______________ Т.С.Азимов | Бошкарувчи<br>_______________ Д.А.Акрамов |
| Юрисконсульт _______________ | |

Ижрочи Нигматов А